

ТЕРРОРИЗМ ТУШУНЧАСИ, МОҲИАТИ ВА КЎРИНИШЛАРИ

Урумбаев Фархат Турсунбаевич

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14619170>

Мураккаб ва кўпқиррали ҳисобланмиш, жамиятнинг турли манфаатларини ўзида намоён этувчи терроризм ҳодисаси сиёсатда ва ҳуқуқда қарама-қарши ва бир хил маъно касб этмайдиган тарзда таърифланади. Бу эса, ўз навбатида, халқаро ва алоҳида олинган давлат миқёсида унга қарши мавжуд восита ва усуллар ёрдамида самарали кураш олиб боришни бир қадар қийинлаштиради.

Терроризм сўзининг генезисига эътибор берадиган бўлсак, мазкур ибора, лотинча «terror» сўзидан олинган бўлиб, “қўрқинч”, “даҳшат” деган маънони билдиради. Бу тушунчага умумий таъриф бериб, уни қўрқитиш сиёсати, ёки сиёсий аҳамиятга эга бўлган масалаларни зўравонлик йўли билан бартараф этиш каби маънода тушунишимиз ҳам мумкин. Ҳозирги кунда бу атама халқаро сиёсий луғатда мустаҳкам ўрнашди. Ижтимоий тараққиёт билан бир қаторда “террор”, “терроризм” тушунчалари ҳам янги мазмун билан бойиб бормоқда. Террор “куч, турли хилдаги қуролларни қўллаш, шунингдек, кўплаб қурбонларга сабаб бўлувчи зўравонлик” сифатида таърифланади.

Бироқ, мамлакат ичидаги ёки давлат чегарасидан ташқаридаги фожиали воқеани таҳлил қилганда ягона бир ёндашув ҳозирча ишлаб чиқилмаган. Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, айни пайтда терроризм ҳодисасининг юзга яқин белгилари мавжуд бўлиб, уларга таъриф беришда ўзаро тафовутли ҳолатларнинг мавжудлиги уни шарҳлашда турлихил келишмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Зеро, қандай фаолиятни террорчилик ҳаракатлари, деб таснифлаш мумкинлиги тўғрисида ҳозирда яқдил жавоб йўқ. Гарчи бу ҳодисанинг моҳияти ҳаммага аёндек бўлсада, лекин жаҳон ҳамжамиятида умумқабул қилинган ҳуқуқий таъриф яратилган эмас. Америкалик олим С.Маллисоннинг шарҳлашича, терроризм бу –оммавий ва сиёсий мақсадларга эришиш учун зўравонлик хавфи ҳамда ундан мунтазам равишда фойдаланишдир. Россиялик тадқиқотчи В.Петришев терроризмга – қўрқитиш, бирон-бир давлат ҳукумати, унинг ҳокимият тизими, фуқаро ёки бутун аҳолига нисбатан террорчилар учун маъқул ҳаракатларни содир этишга мажбурлаш деган таърифни келтиради. Р.Амирова эса терроризмни «зўрлик қилиш ёки зўрлик ишлатиш таҳдиди билан аниқ талабларни олдинга олиб чиқувчи ҳаракатлар бўлиб унда зўрлик фуқаролар ва

уларнинг турли объектларига йўналтирилган, мақсадлар эса сиёсий ёки бошқа характерда бўлиши мумкин», деб тавсифлайди .

Шу билан бирга, Л.Моджорян терроризмга – алоҳида шахслар, ташкилотлар ёки давлат ташкилотлари томонидан маълум бир сиёсий мақсадларга эришиш учун давлат ва сиёсий арбобларни йўқ қилиш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга йўналтирилган зўрлик ишлатиш ҳаракатлари деган таърифни келтиради . Шунингдек, собиқ шўролар даврида терроризм тушунчасига берилган таърифларда мафкуравий, сиёсий омилларнинг таъсири кўзга яққол ташланади. Жумладан, 1971 йилги «Қисқача сиёсий луғат»да «террор – сиёсий муҳолифга қарши уни жисмонан йўқ қилишгача кўрқитиш, зўрлик ишлатиш ва жазолаш сиёсати» деб изоҳланган бўлиб, 1981 йилги «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да шунга ўхшаш тарзда, яъни «террор – сиёсий душманга нисбатан куч ишлатиш, ўлдириш, қириш», «терроризм – террор билан амалга ошириладиган сиёсат ва тактика, террорчилик» дир деб таърифланган.

Ҳақиқатдан ҳам бундай ёндашув «улар терроризм тушунчасини шунчаки XX асрнинг 60-80 йилларида СССРдан ташқари турли давлатларда содир этилган террорчилик жиноятлари билан боғлиқ муҳим ижтимоий воқеликлар асосида таърифлашга уринганларидан келиб чиққан бўлиб» , шунингдек, бизнингча, реакциян ғоялар билан халқни кўзғатишга уринган шахсларга қарши капиталистик мамлакатларнинг сиёсатини қоралашга ҳам қаратилган. Дунёда собиқ совет империяси парчаланиб кетишига қадар мавжуд бўлган мафкуравий қарама-қаршилиқ шароитида терроризмни таърифлаш масаласининг қай даражада ҳал этилиши шу даражада муҳим ҳисобланганки, ҳатто «соф назарий баҳсларда билдирилган ноаниқ фикрлар жаҳон сиёсатига муайян даражада таъсир этишга қодир» деган фикрга келинган . Республикамиз илмий доираларида ўтказилган тадқиқотларда терроризм тушунчасига берилган тавсифларни ўрганишга эътибор қаратилган бўлиб, ушбу муаммонинг яна бир ўзига хос талқин қилинишига олиб келган.

Хусусан, Д.Рахимов ўз монографиясида хорижлик тадқиқотчилар томонидан «терроризм» тушунчасига берилган тавсифларни таҳлил қилган ҳолда «терроризм – бу мафкуравий асосланган ва мунтазам тарзда инсонларни ўлдириш, диверсиялар ўтказиш, саботаж қилиш, ўғирлик ва бошқа инсон ҳаёти ва хавфсизлигига таҳдид солувчи зўрлик ишлатиш

билан характерланувчи сиёсий курашнинг тактикаси» деган тавсифни беради.

Тадқиқотчи У.Убайдуллаев эса, «терроризм»даги асосий хусусиятни «зиддиятлашаётган томонларнинг қуролли, қўпоровчилик фаолияти» сифатида қуйидагича баҳолайди:

- тақиқланган, айбли ижтимоий хавфни қўллаш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), ёхуд уни содир этилиши хавфи;
- онгли равишда, аввалдан ўйланган ҳаракат;
- экстремистик хусусиятга эга бўлган (кескин, меъёрларга, умумқабул қилинган талабларга тўғри келмайдиган) ҳаракат;
- зўравонлик шаклидаги хатти-ҳаракат (қотиллик, портлатиш, хужум, босиб олиш, ирода, руҳиятни синдириш), зўравонлик билан қилинган суиқасд ёки зўравонликни қўллаш хавфи;
- тинчлик, давлат, ташкилот, фуқаролар хавфсизлиги ва манфаатларига зарар етказувчи зўравонлик;
- жиноят субъекти томонидан халқаро муносабатларнинг чигаллаштирилиши, ижтимоий – сиёсий вазиятнинг беқарорлаштирилиши, маълум бир шахс ёки давлат томонидан қабул қилинган қарорларга ёки уларнинг қабул қилинишига таъсир ўтказиш каби маълум ғаразли мақсадларни кузловчи ҳаракат;
- сиёсий мақсадлардан келиб чиқиб: ирқий, диний, этник, миллийга бўлинади;
- жамиятда кучли шов-шувни келтириб чиқаришга йўналтирилган, яъни ошкоралик, намоёйишкорлик хусусиятига эга.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, терроризмнинг қуйидаги умумлашган таърифини бериш мумкин: «Терроризм бу – маълум сиёсий мақсадларга эришишга йўналтирилган, тинчликка, фуқаролар ҳавфсизлигига ва ҳаётига зўравонлик ишлатиш ёки уни қўллаш таҳдидини туғдиришдир».

Терроризмни яна бир ўзига хос жиҳати бу уни таснифлашда ҳам турли ёндашувлар мавжудлигидадир. Бунда тадқиқотчилар терроризмнинг бир жиҳатини ўрганиб, ўз мақсадларидан келиб чиққан ҳолда таснифлашга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун бу таснифларни қатъий ва ўзгармас деб бўлмайди. Мутахассисларнинг фикрича, терроризм тарихини унда қўлланилган услуб ва воситалардан, мақсад ва йўналтирилганлигидан ҳамда шаклланиши ва тараққий этиши даражасидан келиб чиққан ҳолда шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин :



1. Антик ёки протерроризм. Терроризмнинг тарихи ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида узок ўтмишга яъни антик даврларга бориб тақалади. Тадқиқотчи Ю.Антоняннинг фикрича, Антик терроризмга қадимги яҳудий қабилаларининг қуролли отрядлари бўлмиш «Шилот сикарийлари»нинг ўз ерларини римликлардан қўриқлаш учун олиб борган ҳаракатларини, эрамизнинг 66-73 йилларида Фаластинда ташкил топиб фаолият юритган сикарийлар сектаси ҳаракатларини ва Варфоломей туни каби воқеаларни киритиш мумкин. Яҳудий қабилалари террорчилик услублари билан нафақат римликлардан, балки ўз қўшниларида ҳам ҳимояланган.

2. Классик терроризм. Терроризм эволюциясининг иккинчи босқичи 1798 йилда «Француз академияси луғати»га «susteme, regime de la terreur» (террор тизими, режими) тушунчасининг кириб келиши билан бошланади. Ушбу даврларда терроризм Австрияда карбонарийлар, Италияда гарибалдичилар, Францияда якобинчилар олиб борган террорчилик усулидаги ҳаракатлар билан белгиланади.

3. Анъанавий терроризм. Бу босқич ўзига хос омиллар таъсири остида шаклланганлиги билан ҳарактерланади. Биринчидан, террорчиларда маълум бир портлатиш, гаровга олиш, ўт қўйиш, заҳарлаш ва шантаж қилиш каби услуб ва воситалар шаклланди. Иккинчидан, терроризм мафкуравий жиҳатдан асосга эга бўла бошлади ва бунинг натижасида унинг турлари ва шакллари (чап ва ўнг, сиёсий ва ижтимоий, миллий ва революцион ва б.) пайдо бўлди. Учинчидан, терроризм ижтимоийлашиб борди, яъни аҳолининг турли табақалари орасидан ўз ижтимоий базасига эга бўла бошлади. Тўртинчидан эса, терроризм ўз институтлари, яъни ўзининг доимий ячейкалари, органлари ва ташкилотларига эга бўлиб халқаро миқёсга чиқди.

4. Замонавий терроризм. Терроризм эволюциясининг тўртинчи босқичи бўлиб, бунда терроризм: биринчидан, оммавий характерга эгалиги, яъни олдинги босқичларда аниқ бир нишонга йўналтирилган бўлса, бугунги кунда у кўплаб кишиларга шикаст етказиш ва қўрқитишга йўналтирилганлиги; иккинчидан, террорчилар ўз фаолиятларида замонавий кураш ва қўрқитиш воситалари – оммавий қирғин қуроллари, Интернет ва оммавий ахборот воситалари, транспорт воситалари ҳамда ассимметрик уруш усулларида фойдаланаётганликлари билан ажралиб туриши; учинчидан замонавий терроризм халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, қуролли можаролар келтириб чиқариш орқали

минтақавий ҳамда глобал хавфсизликка путур етказиши мумкинлиги билан характерланади.

Умуман олганда, халқаро ҳамжамият томонидан амалга оширилган амалий тадбирлар ўзининг самарасини бермаганлиги сабабли, XXI асрда уюшган жиноятчиликнинг ўта хавфли турларидан бири ҳисобланган халқаро террорчилик ҳаракатлари янгича тус ола бошлади. Бу эса унга қарши курашнинг янада кучайтирилишини талаб қилмоқда. Бугунги кунда мазкур жиноий қилмишлар жаҳондаги ечимини топиши зарур бўлган глобал муаммолардан бирига айланди. Ер куррасининг қатор мамлакатларида жойлашган уюшган террорчи – жиноятчилар бир вақтнинг ўзида бир неча давлат хавфсизлигига исталган пайтда очикдан-очик таҳдид солиб, бегуноҳ кишиларни ўз жиноятининг қурбонига айлантirmoқдалар.

Шубҳасиз, халқаро террорчилик ҳаракатлари бутун дунё халқларини ташвишга солмоқда, ўйлаш ва таҳлил қилиб кўришга, бундай ўта даҳшатли жиноий қилмишга нисбатан жазони кучайтириш чора – тадбирларни ишлаб чиқишга даъват этмоқда. Шундай экан, сиёсатшуносликнинг асосий вазифаларидан бири ҳам айнан ана шу мақсадга, яъни “халқаро терроризм”нинг илмий ва сиёсий тавсифларини, унга берилган турли-туман таърифларни таҳлил қилишга ва шу билан бирга мазкур жиноятнинг миллий хавфсизликка таҳдидларини очиб беришга қаратилган.

